

УЎТ: 37.377.378.37.4.

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА УЧРАЙДИГАН ПЕДАГОГИК ИХТИЛОФЛАР, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ

Д.И.Мукумова – PhD, доцент, Р.Х.Файзуллаев – PhD, доцент, «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети

Аннотация

Бугунги глобаллашув шароитида низоли ҳолатлар (иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, ахлоқий, маданий, ички, ташқи, шахслараро ва ҳоказо) ва уларнинг йўналиши дунё микросида кенг қамровли характерга эга бўлмоқда. Ривожланиш, фан-техника тараққиёти, экологик, тиббий ва тарбиявий муаммолар ҳамда бозор муносабатларига оид қонуниятлар низоли ҳолатларнинг келиб чиқишида мотивация вазифасини ўтамоқда. Аини педагог-талаба ўртасидаги низолар ва уларни бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги кун талабларидан бири ҳисобланади.

Таянч сўзлар: низолар, ўқитувчи, мослашиш, тарбия, тажриба, таълим жараёни, масъулият, назарий билимлар.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ РАЗНОГЛАСИЯ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ОБЛАСТИ ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА, ПРИЧИНЫ И МЕРЫ ПО УСТРАНЕНИЮ

Д.И.Мукумова – PhD, доцент, Р.Х.Файзуллаев – PhD, доцент. Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Аннотация

В современных условиях конфликтные ситуации (экономические, политические, социальные, духовные, нравственные, культурные, внутренние, внешние, личностные и т.д.) и их направления имеют широкоохватный характер в глобальном масштабе. Законодательства о развитии прогрессе науки и технологий, экологические, медицинские, образовательные проблемы и рыночные отношения служат мотивацией для конфликтных ситуаций. Именно одним из требований сегодняшнего дня является разработка мер по устранению конфликтов между преподавателями и учащимися.

Ключевые слова: конфликт, педагог, студент, адаптация, воспитание, образовательный процесс, ответственность, теоретические знания.

PEDAGOGICAL DISAGREEMENTS IN THE PEDAGOGICAL ACTIVITY OF WATER MANAGEMENT, THE CAUSES OF THEIR OCCURRENCE AND MEASURES TO ELIMINATE

*D.I.Mukumova – PhD, Associate Professor, R.Kh.Fayzullaev – PhD, Associate Professor.
"Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers" National Research University*

Abstract

In modern global conditions, conflict situations (economic, political, social, spiritual, moral, cultural, internal, external, personal, etc.) and their direction have a broad global scope. Legislation on development, the development of science and technology, environmental, medical and educational problems and market relations serve as motivation for conflict situations. One of the requirements of today is the development of conflicts between teachers and students and measures to eliminate them.

Key words: conflict, teacher, student, adaptation, educational process, responsibility, theoretical knowledge.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим ва бу масалани ечмасдан туриб, келажак авлод тарбияси тўғрисида гапиришимизнинг ўзи мутлақо номақбулдир», - деб таъкидлайди. Бизга маълумки, ўқитувчилик касби улуг, шарафли, ўта мураккаб, ўз ўрнида масъулиятли касблардан биридир [1, 2, 3]. Агар шифокор бир беморни даволашда адашса (билими, тажрибаси етмаса) у бир кишининг умрига зомин бўлади. Ўқитувчи эса, ўнлаб ва ундан ҳам кўплаб ўқувчига нотўғри билим тарбия бериши орқали жамият учун фойдаси тегмайдиган зарарли, хавфли инсонларни вояга етказиб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчилик касби мураккаб ва ўта масъулиятли касб бўлиб, унда тажриба билим, кўникма, малакалар шакланган бўлиши зарур. Ёш авлод камолотида ўқитувчи шахсининг ўрни беқиёсдир [4, 5].

Барча низоли ҳолатлар ичида педагог ва талаба ўртасидаги “низо” энг мураккаб ва долзарб муаммо касб этмоқда. Унинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари шахс тарбияси ҳамда маданияти билан боғлиқ бўлиб, бу борада педагог ва психолог олимлар, тажрибали ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида истиқболли тарбиявий ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Талабалар ва ўқитувчи ўртасидаги низоли ҳолат ва вазиятларни ўрганиш, уни тизимлаштириш жамиятдаги салбий иллатларнинг келиб чиқиши ва ижтимоий тўқнашувларнинг олдини олишга кўмак беради. Т.Мирзаев раҳбарлигида тайёрланган беш жилд изоҳли лўғатининг учинчи жилд 37-саҳифасида “Низо” (а.) – баҳс, тортишув, жанжал, тўқнашув; кураш, ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилик, душманлик, адоват орқасида туғилган ҳолат, муносабат, ихтилоф, нифоқ”, – деб кўрсатилган [6, 7, 8].


Бизнингча низо – бу шахс онгида ёки шахслараро мулоқот

жараёнида бирор муаммо ёки қарашлар ечимида бир-бирига тўғри келмайдиган қарама-қарши фикрлар тўқнашув оқибатида пайдо бўладиган салбий ҳиссиётларга бўлган муносабатлар маромини билдирувчи ижтимоий-психологик ҳодисадир. Бу жараён кучли эмоционал ҳис-туйғулар ва ахлоқий кечинмалар билан боғлиқ равишда юзга келади. Таъкидловчи эксперимент натижалари ўлароқ низоли ҳолатларни шартли равишда шахсий, шахслараро, гуруҳлараро, гуруҳ ичидаги турларга бўлиниди [9, 10].

Масаланинг қўйилиши. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг мослашувида психологик, ижтимоий, педагогик ёндашув борасида муайян тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўқув-тарбия жараёнига мослашишнинг ташкилий педагогик шарт-шароитларини ривожлантириш педагог-талаба ўртасидаги ихтилофликларни олдини олиш мумкинлиги аниқланди [11]. Талабаларнинг ўқув-тарбия жараёнига мослашиш масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши натижасида, мамлакатимизда 1-босқич талабаларининг олий таълим муассасаларига мослашиш муаммолари ўрганилди. Юқоридаги муаммоларни ечиш бўйича методика яратилмаганлиги сабабли муаммоларни қўйидагича ҳал этишни лозим деб топилди [12].

Ечиш услублари. Айнан ОТМларида талабаларнинг ўқув-тарбия жараёнига мослашишидаги муаммоларни инобатга олиб 1-босқич талабаларини ўқув-тарбия жараёнига мослашиши бўйича махсус курслар дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; Тьютор-талаба, талаба-талаба, маъмурият-талаба ёндашувини йўлга қўйиш лозим; юқоридаги муаммоларни ҳал этишга мос бўлган методикани танлаш; ҳал этиш лозим бўлган барча масалаларни ечимини излаш бўйича талабаларни ўқув жараёнига мослашишнинг ташкилий педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат [13, 14].

Олинган натижалар тьюторлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда, кичик курс талабаларини ташкилий, илмий-методик кузатув тизими ва ўқишдан ташқари ишларни ишлаб чиқишда қўлланди [15, 16]. Айнан шу тадқиқот натижаларига кўра, барча сўралган 1-курс талабаларининг фақат 30 фоизи психологик ёрдам заруратини мутлақо инкор қилган. 30% сўралганлар жавоб беришга қийналган бўлса, 1-курс талабаларининг қолган 40 фоизи ўзларига психологик ёрдам керак деб билади [1–2-расмлар].



1-расм Талабаларнинг ўқув жараёнига мослашиш кўрсаткичлари (назорат гуруҳи).

Натижалар. Тадқиқот кузатувлар натижасида педагог ва талаба орасида асосан мотивацион, когнитив ва ролли низоли ҳолатлар содир бўлиши мумкинлиги аниқланди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай низоли ҳолатнинг келиб чиқиши муаммоли вазиятлар билан чамбарчас боғлиқ. Муаммоли вазиятлар таълим тизимида алоҳида тадқиқот объекти кўринишида ўрганилмаганлиги боис, шаклан ва мазмунан турли хил низоли ҳолатларнинг келиб чиқишига асос бўлмоқда:

мотивацион зиддиятли ҳолатга томонларнинг қизиқишлари бўйича мос келмайдиган низолар киритилиб, бунда иштирокчиларнинг мақсад, вазифа, интилиш ва

мотивлари бир-бирини тўлдирмайди.

когнитив зиддиятли ҳолатларга шахс қадрияти билан боғлиқ низолар киритилиб, бунда иштирокчиларнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган тушунча ва тасаввурлари бир-бирига мос келмайди ёки қарама-қарши бўладиган низоли вазиятларни келтириб чиқаради. Бундай низоларга шахсий ҳулқ-атвор, ишонган ва ишонмаган қадриятларнинг намоён бўлиши, маданий, диний, ахлоққа оид профессионал қадриятлар ҳамда эҳтиёжлар борасида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар қиради.


ролли зиддиятли ҳолатлар – ўзаро муносабат, бир-бирига таъсир кўрсатиш қоидалари ва меъёрларининг бузилишидан вужудга келади. Ролли мавқеларнинг кўплиги баъзида уларнинг тўқнаш келишига, яъни низоли ҳолатларга сабаб бўлади. Касб-ҳунар коллежида одоб талабларига риоя қилмайдиган ўқувчининг ота-онасини ўқитувчининг уйига “меҳмонга” келганида ўқувчининг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳақида гапирилмайди. Чунки ўқувчининг ота-онаси унинг уйида “меҳмон”, ўқитувчи эса мезбон ҳисобланади. Турли хил ролларни ижро этаётган ўқитувчи ва ота-оналарнинг биргаликдаги ролли ҳаракатлар эҳтимоли шартли равишда бошқарилади. Аслида улар бундай ҳолатни истамайди, лекин одоб-ахлоқ меъёрларига амал қиладилар. Айрим ҳолларда одоб талабларига риоя қилмаслик жиддий салбий ҳолатларга олиб келади. Айнан мана шу жараённи, яъни ота-онанинг таълим муассасасига чақирилиб, ўқувчини муҳокама этилиши юқоридаги натижани бермаслиги мумкин.

Педагог талаба билан муносабатга киришар экан, унинг ҳулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини маълум даражада билиши жиддий салбий оқибатларга олиб келишининг олдини олади. Шунга кўра “ўқитувчи – талаба” муносабатида ўзаро педагогик-психологик боғланиш бўлиши керак.

Айниқса психологик боғлиқлик, яъни ўқувчининг руҳий ҳолати, қадрияти ва қизиқишларини билиш педагог ва талаба орасидаги ўзаро муносабатларни ижобийлаштиради.

Ижобий муносабатлар психологик боғланишнинг самарадорлигига кучли таъсир этади. Педагог ва талаба ўртасида пайдо бўлган беғараз мунозара, яъни соғлом ва ошқора баҳслашув ўз натижасини бериши мумкин.

Бу жараён талабани эшитиш, уни тинглаш маданиятидан келиб чиқиб, қайтар алоқа реакциясига кўра ўз илтимосини билдириш кўникмасини шакллантиради,



2-расм Талабаларнинг ўқув жараёнига мослашиш кўрсаткичлари (тажриба гуруҳи)

Агар ўқитувчи талабага нисбатан ҳурмат ва ишонч билан муносабатда бўлса, унинг ҳар бир сўзи ва ҳаракати таъсирли бўлади. Аксинча бўлса, бу ҳол уларнинг ўзаро ҳамжихатлилиги ва биргаликда ҳаракат қилиши учун тўсқинлик қилади ва муаммоли вазиятни келтириб чиқаради.

мулоқот малакаларини ривожлантиради, муомала маданиятини таркиб топтиради, ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларга кириша олишга кўмаклашади, салбий таъсирлари эса психологик боғланишнинг мураккаблашишига олиб келади. “Педагог ва талаба” ўртасидаги психологик боғланишнинг бузилиши эса улар орасидаги низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Талабага бўлган нотўғри муносабат унда мураккаб ички кечинмаларга, иккиланишларга, зиддиятларга олиб келиши мумкин. Бу эса талабаларнинг ҳаёти учун ҳам, жамият учун ҳам катта зарар келтиради. Талабалар билан муносабат жараёнида уларнинг шахсий сифатлари, характер хусусиятлари, темпераменти, аналогик низолар ва уларнинг келиб чиқиши сифатлари ҳисобга олиниши зарур.

Шахслараро зиддиятли ҳолатлар бу ўзаро келишмовчилик, тўқнашув, қарама-қаршиликдир. Шахслараро низолар жамиятда кенг тарқалган низолардан ҳисобланади. Одатда, бир шахснинг қарашлари, хатти-ҳаракатлари у мансуб бўлган гуруҳнинг ҳулқ-атвор меъёрларига зид келиши мумкин.

Жамиятда ўз касбига масъулият билан ёндашмаган, уни ҳис қилмаган, тажрибасиз, истеъдодсиз педагог билан талаба ўртасида педагогик фаолиятда низолар келиб чиқади. Қуйида педагогик низолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилинди. Педагогик низо (ихтилоф)лар асосан педагогик фаолиятда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида келиб чиқади. Мазкур педагогик низоларнинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилардан иборат: ўқитувчида билим, кўникма ва малака (БКМ) нинг, ҳаётий, ижтимоий тажрибанинг етишмаслиги; айрим ҳолларда педагогни талабалар билан муомала маданиятига риоя қилмаслиги; педагогнинг дарс жараёнида ўз ўқувчиларини психологик (темперамент) хусусиятларини ҳисобга олмаслиги; талабаларнинг педагогик (билимлилик, тарбияланганлик даражалари) хусусиятларини таълим жараёнида инобатга олмаслигида; талабаларнинг психологик (жисмоний ривожланиш даражаси) хусусиятларини ҳисобга олмаслигидан; талабаларнинг ёшига хос ва индивидуал (қобилияти, хотираси, диққатини ривожланиши) хусусиятларини ҳисобга олмаслигидан; талабаларнинг онги, қалби, хатти-ҳаракати ва ҳулқига ижобий тарзда педагогик таъсир курсата олмаслиқдан; педагогик жараёнларда рағбатлантирувчи ва жазоловчи усуллардан оқилона фойдалана олмаслигидан; талабалар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмай, улар билан тўғридан тўғри нотўғри муомалада учрайдиган ҳолат, вазиятлардан (ҳар бир талабанинг педагогик-психологик тавсифномаси билан таниш бўлмоғи зарур); айрим талабаларнинг ўспиринлик давридаги инкирозли, ўтиш даврида юз берадиган жисмоний, руҳий, физиологик ривожланишидаги қийинчиликларини билмаслигидан; педагогнинг ўз ўқувчиларини оилавий имкониятларини, шароитини, ижтимоий ҳолатини билмай туриб моддий таъминот билан боғлиқ бўлган топшириқларни беришида; айрим педагогларда ўз мутахассислиги билан бирга педагогика ва психология фанлари бўйича назарий, амалий, билим кўникма ва малакаларнинг етишмаслигида; айрим педагогларда илмий назарий билимлардан ташқари тарбиячилик маҳоратининг етишмаслигида; талабаларга педагогик фаолият жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш (ПТК)нинг усул ва услубларидан оқилона фойдалана олмаслигидан; таълим жараёнида педагог ходимнинг ахлоқ-одоб ва назокати (яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш, кечиримли бўлиш, меҳрибон бўлиш, педагогик талабчанлик, бурч ва масъулиятни ҳис этиш адолатли бўлиш, вазиятга қараб қаттиққўллик қилиш ва ҳ.к.) ахлоқ

меъёрларига амал қилмаслигидан юқоридаги педагогик низолар келиб чиқади.

Хулоса. Педагог ва талабаларнинг ўртасида педагогик зиддиятларнинг келиб чиқмаслиги учун педагог ходимларда кучли билим, ҳаётий тажрибаларида ўқитувчи шахси учун белгилаб берилган бир қатор талабаларга риоя қилишлари ҳамда маҳорат эгаси бўлмоғи зарурдир. Маҳоратли ўқитувчи қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаган бўлиши зарур;

бугунги кунда педагогнинг дунёкараши кенг бўлиши, ҳамма воқеа-ҳодисалар ҳақида эркин фикр юрита оладиган бўлиши зарур. Бунинг учун эса, ўқитувчидан диний, дунёвий, фалсафий, тарихий, маънавий-марифий жиҳатдан чуқур билимга эга бўлиш талаб этилади;

XXI аср педагог ходими аввало ўзининг мутахассислик фанларини, қолаверса, педагогика-психология фанларини ҳам чуқур эгаллаган бўлиши зарур. Чунки, педагогика фанлари оилада-ота-оналар учун, таълим муассасаларида педагоглар, ҳар бир ташкилот раҳбари ва ходимлари учун муҳим, зарурий дастуриамал бўлиб хизмат қилади;

ҳар бир педагог ходим ҳозирги замон фан-техника талабига мувофиқ сифатли ва самарали дарс бериши зарур. Дарсда ўқитувчи педагогик технология элементлари, инновацион ва интерфаол таълим усулларидан оқилона фойдаланиб таълимни ташкил этиш лозим;

бугунги куннинг ўқитувчиси ўз устида мунтазам ишламоғи, билимини ошириб бориши, ахборот технологияларини ўзлаштириб бориши, инглиз тилини имконияти даражасида билиши, замон билан ҳамнафас бўлмоғи керак;

педагогларнинг умумий маданияти юқори бўлиши билан бирга адабиёт ва санъат соҳасидаги билимларни ўзлаштириб боришлари, педагогик одобига риоя қилишлари, ахлоқ-одоб нормаларига педагогик фаолият жараёнида амал қилиб боришлари муҳимдир.

Педагогик шарт-шароитлар асосида уларни амалга ошириш учун қуйидагилар ишлаб чиқилди:

ақлий ривожлантирувчи Кеттен ва Векслер тестлари; махсус иқтидорлилар тестлари, Люшер тестлари, ютуқлар тестлари, график лойиҳалаш методикаси ва бошқалар;

материални муаммоли тақдим қилиш методи, фаолият соҳасидаги эмоционал-иродавий фаоллик методи, материални тизимлаштириш методи.

ишлаб чиқариш амалиётида ихтилофларни бошқариш технологияси асосида зиддиятли вазиятларни олдини олишни методикасини ишлаб чиқиш, ишчи лойиҳалаштириш методикаси, ностандарт методлар.

тажриба-синов гуруҳларида талабаларнинг ОТМга мослашганлик даражаларига қараб, тақсимланишнинг юқори кўрсаткичларга эришилди, бу эса тавсия этилаётган шарт-шароитларнинг самарали эканлигини тасдиқлади. Педагогик шарт-шароитларнинг мажмуи бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбга мослашининг зарурий шarti эканлиги аниқлади.

олиб борилган тажриба-синов ишларининг самарали эканлигини синов натижаларидан олинган натижалар исботлади.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг бугунги кундаги педагогик фаолиятига кучли, муҳим ва зарурий талаблар қўйилган бўлиб, ҳар бир педагог ходим мазкур талабларга катъий риоя қилиши зарур. Зеро, Ўзбекистондаги ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш олий мақсадимиз экан, ҳар бир ўқитувчининг юқоридаги тақдир ва тавсияларга, талабаларга катъий риоя қилиши барча учун, Ватанимиз ва унинг келажаги учун муҳимдир.

№	Литература	References
1	Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 20.04.2017 й., ПҚ-2909, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда, 19-сон, 335-модда, 24-сон, 490-модда. – Тошкент, 2017.	Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan “ <i>Oliy ta’lim tizimini yanada rivozhlantirish chora-tadbirlari tugrisida</i> ” [“On measures to further develop the system of higher education”] 20.04.2017, PQ-2909, Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 18, Article 313, No. 19, Article 335, No. 24, Art. 490. Tashkent. 2017 (in Uzbek)
2	Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Фармойиши “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 07.02.2017 й., ПФ-4947, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда. – Тошкент, 2017.	Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “ <i>Uzbekiston Respublikasini yanada rivozhlantirish buyicha xarakteratlar strategiyasi tugrisida</i> ” [“On the action strategy for further development of the Republic of Uzbekistan”] dated 07.02.2017, PF-4947, Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70, No. 20, 354- Article 23, Article 448. Tashkent. 2017 (in Uzbek)
3	Александров Е.П., Воронцова М.В. Проблемы адаптации студентов к образовательной среде вуза и профессии // Современные проблемы науки и образования. – Москва, 2014. – №5. – С. 17-20.	Alexandrov E.P., Vorontsova M.V. <i>Problemy adaptatsii studentov k obrazovatel'noy srede vuzi i professii</i> [Problems of adaptation of students to the educational environment of the university and profession] Modern problems of science and education. Moscow. 2014. No.5. Pp. 17-20. (in Russian)
4	ПЗ-20170928458 рақамли “Қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурс-тежамкор технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш” мавзусидаги давлат амалий гранти ҳисоботи. – Тошкент, 2018-2020 йй.	PZ-20170928458 grant report on “ <i>Kishlok khuzhaligida innovatsion, resurs-tezhamkor texnologiyalardan foydalanishni takomillashtirish</i> ” [“Improving the use of innovative, resource-saving technologies in agriculture”]. Tashkent, 2018-2020. (in Uzbek)
5	Бозаджиев В.Л. Аксиологический подход как фактор адаптации студентов к обучению в вузе. – Челябинск: «Дизайн-Бюро», 2002. – 134 с.	Bozadzhiev V.L. <i>Aksiologicheskii podkhod kak faktor adaptatsii studentov k obucheniyu v vuzе</i> [Axiological approach as a factor of students' adaptation to study at the university]. Chelyabinsk: From the “Design Bureau”, 2002. 134 p. (in Russian)
6	Лукиянова М.И. Психологическая Компетентность учителя / М.И.Лукиянова // Педагогика. – Новгород, 2001. – С. 56-61.	Lukyanova M.I. <i>Psixhologicheskaya Kompe-tentnost' uchitelya</i> [Psychological Competence of the teacher] M.I. Lukyanova Pedagogy. Novgorod.2001. H:10 Pp.56-61 (in Russian).
7	Маргиева, Д.А. Социально-педагогическая адаптация студентов младших курсов к учебно-воспитательному процессу в вузе: автореф. дис. ... канд. пед. наук: 13.00.08/Маргиева Дина Асланбековна. – Владикавказ, 2010. – 22 с.	Margieva, D.A. <i>Sotsial'no-pedagogicheskaya adap-tatsiya studentov mladshikh kursov k uchebno-vospitatel'nomu protsessu v vuzе</i> [Socio-pedagogical adaptation of undergraduate students to the educational process at the university]: Ph.D. dis. ... cand. ped. Sciences: 13.00.08. Margieva Dina Aslanbekovna. Vladikavkaz, 2010. 22 p. (in Russian)
8	Михеев В.И. Социально-психологические аспекты управления. Стиль и метод работы руководителя. – Москва, 2005.	Mixeyv V.I. <i>Socio-psychological aspects of management</i> [The style and method of work of the manager]. Moscow. 2005. (in Russian)
9	Мукумова Д.И. Особенности адаптации студентов в учебный процесс// Методическое пособие. – Ташкент, ТИМИ, 2016. 61 с.	Mukumova D.I. <i>Osobennosti adaptatsii studentov v uchebnyy protsess</i> [Features of adaptation of students in the educational process]. Methodological guide. TIMI, Tashkent. 2016. 61 p. (in Russian)
10	Мукумова Д.И. Интерактивное обучение в личностно-ориентированном образовательном процессе// Журнал научных и прикладных исследований. – Москва, 2017. – №2. – С. 50-54.	Mukumova D.I. <i>Interaktivnoye obucheniye v lichnostno-orientirovannom obrazovatel'nom pro-tsesse</i> [Interactive learning in a student-centered educational process] Journal of Scientific and Applied Research. Moscow, 2017. No. 2. Pp.50-54. (in Russian)
11	Мукумова Д.И. Адаптация студентов к учебной деятельности в высшей школе // Eastern European Scientific Journal, Германия, 2018. №3. –Рр. 305-307.	Mukumova D.I. [Adaptation of students to educational activities in higher education] Eastern European Scientific Journal, Germany, 2018. No.3. Pp. 305-307. (in Russian)
12	Мукумова Д.И. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти биринчи босқич талабаларининг ўқув жараёнига мослашиш хусусиятлари // ЎЗМУ хабарлари. Тошкент, 2018. № 1/4, -Б 127-132.	Mukumova D.I. <i>Toshkent irrigatsiya va kishlok khuzhaligini mekhanizatsiyalash muhandislari instituti birinchi boskich talabalarining ukuv zharayoniga moslashish xususiyatlari</i> [Features of adaptation of first-year students of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers to the educational process] Bulletin of the National University of Uzbekistan. Tashkent, 2018. № 1/4, Pp. 127-132. (in Uzbek)
13	Мукумова Д.И., Файзуллаев Р.Х. Профессиональная адаптация будущих учителей профессионального образования // Научно-практический журнал. –УФА, 2016. - № 12. С. 132-134.	Mukumova D.I., Faizullaev R.Kh. <i>Professional'naya adaptatsiya budushchikh uchiteley professional'noy obrazovaniya</i> [Professional adaptation of future teachers of vocational education] Scientific and practical journal, UFA, 2016. No.12. Pp.132-134. (in Russian)
14	Первый курс: воспитательная работа / Авторы Н.И.Кучер, Г.И. Зинина, А.В.Пономарев, Е.В.Осипчукова, Ю.Р.Вишневский, С.И. Минеева, Л.Н.Боронина, Е.Г.Калинина. – Ека-теринбург: Изд-во АМБ, 2002. – 195 с.	<i>Pervyy kurs: vospitatel'naya rabota</i> [First course: educational work] / Authors N.I. Kucher, G.I. Zinina, A.V. Ponomarev, E.V. Osipchukova, Yu.R. Vishnevsky, S.I. Mineeva, L.N. .G.Kalinina. Yekaterinburg: AMB Publishing House, 2002. 195 p. (in Russian)
15	Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчиларда касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Дис. ... пед. ф. номз... – Тошкент, 2002. – 161 б.	Rahimov B.X. <i>Bulazhak ukituvchilarda kasbiy-madaniy munosabatlarining shakllanishi</i> : [Formation of professional-cultural relations in future teachers]: Dis. ... Ped. f. nomz... Tashkent: 2002. 161 p. (in Uzbek)
16	Сураева Г.З. К проблеме социально-психологической адаптации первокурсников среднего профессионального образования// Прикладная психология. – Москва, 2000. –№5. –66 с.	Suraeva G.Z. <i>K probleme sotsial'no-psikhologicheskoy adaptatsii pervokursnikov srednego professional'noy obrazovaniya</i> [To the problem of socio-psychological adaptation of first-year students of secondary vocational education] Applied Psychology, Moscow. 2000. No5. 66 p. (in Russian)